

2018

## The socio-cultural life of Chinese Muslims during the Ming dynasty

Odiljon Ernazarov

*International Islamic Academy of Uzbekistan, odil.ernazarov.88@mail.ru*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iiiau>



Part of the [Arts and Humanities Commons](#)

---

### Recommended Citation

Ernazarov, Odiljon (2018) "The socio-cultural life of Chinese Muslims during the Ming dynasty," *The Light of Islam*: Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 11.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiiau/vol2018/iss1/11>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in The Light of Islam by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [brownman91@mail.ru](mailto:brownman91@mail.ru).

МИН ИМПЕРИЯСИ ДАВРИДА ХИТОЙ  
МУСУЛМОНЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ-  
МАДАНИЙ ҲАЁТИ

СОЦИАЛЬНО-КУЛЬТУРНАЯ ЖИЗНЬ  
КИТАЙСКИХ МУСУЛЬМАН ВО ВРЕМЕНА  
ДИНАСТИИ МИН

THE SOCIO-CULTURAL LIFE OF CHINESE  
MUSLIMS DURING THE MING DYNASTY

**Калит сўзлар:** Мин сулоласи асл ёзувлари, Нинся мухтор ўлкаси, хитойлаштириш, кўчиб келганлар, муқим жойлашганлар, исломий адабиётларни таржима ҳаракати.

**Ключевые слова:** «Верные записи династии Мин», Нинся-Хуэйский автономный район, китаизации, посторонний человек, член общества, движение перевода исламской литературы.

**Keywords:** “Veritable Records of the Ming Dynasty”, Ningxia Hui Autonomous Region, Sinicization, outsiders, insiders, the movement of translation of Islamic literature.

Мин сулоласи бошқаруви йиллари (1368 – 1644) хитойлик тарихчилар томонидан “Хитой тарихидаги буюк сулола” деб тавсифланади. Бунинг сабаби муайян асрлик мўғуллар бошқаруви ортидан хитой маданияти устунлигининг қайта таъминланганлиги билан боғлиқ. Шунинг учун бу ва кейинги манжур-цин сулоласи даври мўғуллардан ташкил топган Юан сулоласига қарши ўлароқ хитой сулоласининг бошқарув даври сифатида баҳоланган. Хитойдаги мусулмон жамоалари тарихида Мин сулоласи даври муқим бурилиш нуқтаси ҳисобланади. Бу давр мобайнида мусулмонларнинг “Ғарбий ва Марказий Осиёдан кўчиб келган жамоа” статуси Хитойда муқим ўрнашган “этник озчилик” номига ўзгарди. Доналд Лэслие таъбири билан айтганда, бу даврда “Хитойдаги мусулмонлар” эмас, “Хитойлик мусулмонлар” тушунчаси қўллана бошланди [5:105]. Юан сулоласи даврида бўлгани сингари Мин ҳукмронлигида ҳам мусулмон жамоалари мамлакат бўйлаб тарқалишда давом этиб, Марказий Осиё ва маҳаллий хитой маданиятини такрорламайдиган ўзига хос маданиятни юзага келтиришди. Шу даврдан бошлаб, Хитойда катта миқдорни ташкил қилган мусулмон миллатлардан бири дунганларга нисбатан маҳаллий ханлар билан умумий ришталарга эга “Хитойлик мусулмон синфи” ибораси қўлланилган.

Мақолада икки юз йилдан ортиқ Хитойда ҳукмронлик қилган Мин сулоласи давридаги мусулмонларнинг ижтимоий-маданий ҳаёти тўғрисида маълумот берилган. Бу давр мобайнида мусулмонларнинг маҳаллий шароитга мослашувида муҳим ўрин тутган омиллар таҳлил қилинган.

В статье приводятся сведения о социально-культурной жизни мусульман во времена династии Мин, правившей в Китае более двухсот лет. Особое внимание автор обращает на анализ факторов, игравших важную роль в адаптации мусульман к местным условиям в течение рассматриваемого периода.

The article provides information on the socio-cultural life of Muslims in the time of the Ming dynasty ruled in China for more than two hundred years. It has been analyzed factors played an important role of Muslims in adapting to local circumstances during this period.

Мин сулоласи ҳукмронлиги давомида Шэньси ва Ганьсудаги дунган миллатига мансуб аҳоли миқдори янада ошди. Мин империясининг дастлабки йилларидан ҳозирги Нинся мухтор ўлкаси таркибидаги Гуюань (Guyuan) каби манзилларга кўплаб дунган жамоалари кўчиб боришган. Кейинчалик ушбу ҳудудлар муҳим мусулмон-дунган манзилгоҳларига айланган. “Мин сулоласи асл ёзувлари” (Veritable Records of the Ming Dynasty) да келган маълумотга кўра, Марказий Осиёдан келган элчи ва савдогарларнинг салмоқли гуруҳи айнан бугунги Ганьсу ва Нинся ҳудудларида муқим ўрнашиб қолишган. Бу жараён XV асрга қадар давом этган [6:192]. Шунингдек, Хитойнинг жануби-ғарбидаги Юньнан провинцияси мусулмон-дунган миграциясининг муҳим маркази саналган. Ҳатто дунган халқи Хитой туб аҳолиси саналувчи ханлар катта нуфузга эга вилоятларда тарқалишди. Бу ҳолатга даставвал эътироз билдирмаган ханлар кейинчалик мусулмон қишлоқлари бирин-кетин ташкил топиши ҳамда мусулмонларнинг жамият ижтимоий ва иқтисодий ҳаётидаги фаол иштироки ва обрў-эътиборлари ортиши натижасида уларга қаршилиқ кўрсатишга ўтишди.

Мутахассислар Мин сулоласи даврида Хитой мусулмонларининг ижтимоий-маданий ҳаётидаги ўзгаришларни турли омиллар ва ҳодисаларга боғлайдилар. Шулардан бири Мин сулоласи илк императори Мин Тайцзунинг<sup>156</sup> мамлакат тараққиёти йўлида ислом дини вакилларининг интеллектуал ва қўл меҳнатидан фойдаланганлигида кўзга

<sup>156</sup>Зу Юанзанг (1328-1398) – асл исми Мин Тайцу, императорлик титули Хонгву.

ташланади. 1368 йил император мўғул ва семуренлар<sup>157</sup> орасидан иқтидорли кишиларни расмий вазифаларга тайинлаш ҳақида фармон чиқариб, у асосда 1369 йил ўн бир нафар мусулмон астрономи янги тақвим ишлаб чиқиш жараёнида иштирок этганлар [7:61].

Хитойлик исломшунос олим Юсуф Ҳажжи Чанг Мин сулоласи даврида мусулмонлар муайян эркинликларга эга бўлганлигини билдириб, бунинг сабабларини императорнинг этник келиб чиқишидан топишга уриниб кўради: “Зу Юанзанг – Мин Тайцзу Аньхойдаги мўғул Таммачи ҳарбий бўлинмаси офицерининг авлодидир. Юан сулоласи тугатилгач, ханлар томонидан мазкур сулола фаолиятини ташкил қилишда мўғулларга ҳамкорлик қилган мусулмонлар таъқиб остига олинган. Лекин шунга қарамай, Мин императорлари уларга муайян диний, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий эркинликлар тақдим қилганлар. Уларнинг мингдан юзтаси Мин қўшинида хизмат қилганлар, кўпчилиги юқори ҳарбий ва фуқаролик мавқеини қўлга киритишган. Айни пайтда императорлар ханларнинг мусулмонларга нисбатан чуқур нафратини синдириш ва мусулмонларни ҳимоя қилиш мақсадида уларни тўлиқ хитойлаштириш (sinoized) сиёсатини олиб борганлар. Мисол учун, император мусулмонлар олдида хитой мактабларига бориш, хитой тилида сўзлашиш, хитой анъанавий либосларини кийиш, хитойча исмлар билан номланиш ва хитой аёлларига уйланиш мажбуриятини юклаган. Мин императорларининг исломга илиқ муносабатлари сабабини акс эттирадиган яна бир маълумотга кўра, император Зу Юанзангнинг аёли қиролича Ма Хоу мусулмон бўлган ва унинг бир неча ўғил-қизлари ҳам мусулмонлар билан турмуш қуришган. Бундай қулай сиёсий шароит 276 йил давомида мусулмонлар учун тинч, фаровон ва бахтли ҳаётни кафолатлаган. Мин Тайцзунинг мусулмон бўлганлиги Мин тарихида қатъий яширилган, бу нарса олти аср давомида хитой тарихчи ва олимлари учун номаълум бўлиб келган” [1:62 – 78].

Мин Тайцзуни мусулмон сифатида тавсифлаш ички Хитойдаги аксарият олимлар тарафидан “Баҳсли мавзу” дея баҳоланган. Таиванлик турколог Ма Миндао ушбу фикрни илгари сурган бўлишига қарамай, маҳаллий олимлар фикрича,

<sup>157</sup>Сему – Хитойда “Юан” номи билан мўғуллар ҳукмронлик қилган даврда (1270 – 1368) амалда бўлган ижтимоий табақа номи. Маҳаллий хан ва мўғуллардан ташқари Хитойда истиқомат қилиши расмий эътироф этилган халқлар “семурен” деб аталган. Хитойдаги мусулмонлар ҳам ушбу ижтимоий таснифда қайд қилинган.

Тайцзунинг аёли ҳақиқатда мусулмон бўлганлиги мунозарали масала саналади. Тайцзунинг мусулмонларга илиқ муносабат билдирганлиги империя ҳаётида юз бериши мумкин бўлган эҳтимолий зиддиятларнинг олдини олиш мақсади билан боғлиқ. Бу эса у мусулмон наслига тааллуқли деган фикрни илгари суришга далил бўла олмайди. Аксинча, бошқа манбаларга кўра, у ёшлигида маълум йиллар давомида буддавийлар монастирига қатнаган [3:15 – 16]. Умуман олганда, бу каби баҳсли масалаларнинг юзага келиши Юан ва Мин сулоалари ҳукмронлигининг дастлабки даврида Хитойда кўп миллатли аҳоли таркиби шаклланганлиги билан алоқадордир. Мин Тайцзунинг келиб чиқиши Марказий Осиёлик мусулмон шахсларга бориб тақалган тақдирда ҳам унинг мусулмон анъаналарига мос ҳаёт кечирганлиги ёки ислом динига оид бирор маросимда иштирок этганлиги ҳеч бир манбада қайд этилмаган.

Мин Тайцзунинг этник келиб чиқишидан қатъи назар, Мин сулоласи ҳукмронлиги йиллари мусулмонлар, айниқса, дунган жамоаси учун ижтимоий мавқе жиҳатидан “кўчиб келганлар” (outsiders)дан “муқим жойлашганлар” (insiders)га айланиш даври бўлди. Бундан ташқари, мусулмонлар учун ушбу давр хитой маданиятига мослашиш ёки хитойлашув (Sinicisation) жараёнини бошдан кечириш даври сифатида тавсифланади. Шу жиҳатдан, Мин сулоласи даврида тинч ва фаровон ҳаёт кечирган мусулмон жамоалари маданий ўзгаришларга юз тутдилар. Улардан баъзилар маҳаллий шароитга мослашиб, ҳатто мусулмонлик идентификациясини йўқотдилар. Улардан аксарияти XX асрга келиб ўзларининг хан қўшнилари каби ҳаёт тарзига ўтдилар. Кўплаб мусулмонлар билан боғлиқ Юан даврида бошланган форсча, туркча ва арабча исмларни яхлит хитойчага ўзгартириш амалиёти Мин даврида такомилга етди. Мисол учун, Пекин чорва бозори ҳудудида истиқомат қиладиган чорвадор мусулмон киши бир сафар фамилиясини Янг (“қўй” маъносидаги хитой иероглифи билан ифодаланган), Шаньдунга кўчиб боргач эса маҳаллий хитойлик (хан)лар фамилиясига мувофиқ равишда яна Янг (“терак дарахти” маъносидаги хитой иероглифи билан ифодаланган)га ўзгартирган [2:30]. Шунингдек, жамиятдаги мусулмон бўлмаган халқ (хан, мўғул ва бошқа)лар билан никоҳ орқали яқин алоқаларни боғланиши мусулмон-дунган миллатининг маданий хусусиятларига таъсир кўрсатмай қолмади. Мин Тайцзу бу жараённи янада жадаллаштириш мақсадида Хитойдаги мўғуллар ва “сему” ижтимо-

ий гуруҳи таркибига кирувчи мусулмон халқлар ўзаро никоҳга киришмай, балки кўпроқ ханлар билан турмуш қуришлари кераклиги ҳақида фармон чиқарди. Ушбу фармон орқали кучларни тарқоқ қилиш кўзланган бўлса-да, мусулмонлар осон ва тўлиқ хитой жамиятига мослашишга эришдилар. Мусулмонларни бошқа халқлар билан турмуш қуриши натижасида мусулмон аҳоли сони кўпайишда давом этиб, хитойлик мусулмонлар таркиби хан миллати ва дунсян (dongxiangs), баоан каби этник гуруҳ вакиллари ҳисобига бойиди. Қолаверса, бундай маданий ассимиляция таъсирида Хитой мусулмонлари орасида форс ва араб тилларининг нуфузи пасайиб, хитой тили мўътадил ва асосий алоқа воситасига айланди. Манбаларда келишича, 1536 йилга келиб мусулмонларнинг Қуръони каримнинг асл арабча матнини ўқиб тушуниш салоҳиятлари анча пасайган эди. Аксинча, Мин сулоласи ҳукмронлиги давомида илк маротаба хитой тилида ислом дини таълимоти ва маросимларига оид маълумотларни қамраб олган нуфузли китоблар ёзилди [2:31].

Ислом динининг муқаддас манбаларини хитой тилига таржима қилиш ва бу борада адабиётлар яратиш ҳаракати уч босқичга бўлиниб, икки юз йилдан ортиқ муддат давом этган. Бу даврда бир қатор мусулмон олимлари етишиб чиқиб, хитой тилида кўплаб асарлар ёзиб қолдирдилар. Бу асарлар хитойлик мусулмонлар учун ўз динларини ўрганиш бобида бирламчи қўлланма ҳамда Хитойда ислом динининг маҳаллий муҳитга мослашув жараёни учун мустаҳкам назарий асос бўлиб хизмат қилди.

Бу ҳаракатнинг биринчи босқичи Ванг Даю<sup>158</sup>нинг “Ислом баёни” асари билан бошланиб Ву Зунки (Wu Zunqi)нинг “Исломга бошловчи йўл” асари билан тугайди. Бу даврда Нанкин ва Цзянсу (Jiangsu) атрофидаги ҳудудлар ушбу ҳаракатнинг марказига айланди ҳамда тадқиқот предмети асосан исломий таълим-тарбия ва ақида илмига оид мавзулар бўлди. Бу даврда битилган асарлар масжид таълими учун дарслик вазифасини ўташи билан бир қаторда, ислом дини ҳақида кўпроқ маълумот олиш истагидаги бошқа дин зиёлилари учун назарий монография бўлиб хизмат қилди [4:87].

Ислом манбаларини хитой тилига таржима қилиш ва бу тилда ислом динига оид асарлар ёзиш ҳаракатининг иккинчи босқичи Ма Зунинг “Исломий йўриқнома” номи асаридан бошланиб Жин Тианзунинг “Ислом ҳақидаги шубҳаларга жавоблар”

<sup>158</sup>Ванг Даю (Wang Daiyu) – Мин ва Цин сулоалари ҳукмронлиги ўртасидаги ўтиш даврида яшаган мусулмон олими.

асари билан якун топади. Бу босқичнинг энг юқори чўққиси Лиу Зи ва унинг асарлари билан боғлиқ. Шунингдек, бу даврда ҳаракатнинг кўлами Нанкин ва Сучжоудан ташқарида ҳам кенгайди. Бу даврда Хитойда ёзилган исломий адабиётларни конфуцийлик қарашлари билан уйғунлаштириш мазкур ҳаракатнинг асосий концепциясига айланди. Шунга кўра, бу даврда ҳаракатнинг мавзуси (объекти) бевосита ислом ва унга боғлиқ билимлар ҳақида ёзишга эмас, балки ислом борасида бошқа дин вакиллариининг шубҳаларини бартараф этиш, феодал ҳукмрон синф ва расмий уламоларнинг ислом дини бўйича тушунчаларини ислоҳ этиш орқали уларнинг дастагига эришишга қаратилди. Натижада, таржима ва таълиф қилинган асарларда исломнинг конфуцийлик таълимоти билан муштарак характерларини ифодаловчи “очиқ бирлаштириш” руҳи уфуриб турган. Бу даврда фаолият кўрсатган мусулмон олимлар конфуцийлик таълимотига оид қарашларни қоралашга чек қўйиб, икки дин ўртасидаги умумий нуқталарни ёритиш ҳамда бир вақтда икки динни ўрганишни тарғиб қилишга эътибор қаратганлар.

Ижтимоий вазият ўзгариши натижасида, ислом манбаларини хитой тилига ўгириш ва бу тилда диний адабиётлар таълиф этиш ҳаракатининг учинчи босқичи дастлабки иккисига нисбатан янги характер касб этди. Аввало, мазкур адабий-илмий ҳаракат маркази Юннанга кўчириб ўтказилди, тадқиқот мавзуси кенгайиб, астрономия, география, адабиёт ва эътиқодга оид Қуръон оятларини таржима қилиш соҳаларини қамраб олди. Чиқарилаётган адабиётлар охират, одоб-ахлоқ ва фалсафий қарашлар бўйича исломий ёндашувни тарқатишга қаратилди [4:88 – 89].

Хулоса қилиб айтганда, Юан сулоласи даврида Хитойдаги мусулмонлар тил ва урф-одат жиҳатидан “Сему” ижтимоий синфининг турли гуруҳларига мансуб бўлган бўлсалар, Мин сулоласи ҳукмронлиги охирига келиб, мусулмон бўлса-да, асосан хитой тилида сўзлашадиган янада яхлит жамоага айланишди. Бу жараёнда мусулмон олимларининг хитой тилида диний адабиётлар яратиш борасидаги ҳаракатлари асосий ўрин тутди. Конфуцийликка оид термин ва қарашлардан фойдаланиб, улар ислом таълимоти устида чуқур изланиш олиб бордилар. Ушбу тадқиқот ишлари натижасида мафкураравий жабҳадаги ислом ва конфуцийлик, буддавийлик ва даосизм ўртасидаги тўсиқ ёки бегоналашув бартараф этилди. Бошқа динлар қарашларига уйғунлашиш орқали ислом таълимоти ва фалсафаси

кенгроқ ҳудудларга тарқалиб, Хитойда ислом ва мусулмонларнинг нуфузи орта бошлади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Chang, Hajji Yusuf. The Hui (Muslim) Minority in China: an Historical Overview. Journal of the Institute of Muslim Minority Affairs. 1987 8/1.
2. Dillon, Michael. China's Muslim Hui Community: Migration, Settlement and Sects. Surrey: Curzon Press, 1999.
3. Hucker, Charles O. The Ming Dynasty: its origins and evolving institutions. – Ann Arbor: Centre for Chinese Studies, 1978.
4. Islam in China / Written by Mi Shoujiang and You Jia; Translated by Min Chang. – China Intercontinental Press, 2004.
5. Leslie, Donald Daniel. Islam in Traditional China: A Short History to 1800. – Canberra, 1986.
6. Lin Song, Yahya and He Yan, Suleiman. Huihui lishi yu Yisilanjiao wenhua. – Beijing: Jinri Zhongguo chubanshe, 1992.
7. Taylor, Romeyn. Basic Annals of Ming T'

**Odiljon ERNAZAROV,**

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси  
Динишунослик ва жаҳон динларини қиёсий ўрганиш  
ЮНЕСКО кафедраси таянч докторанти*

